

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **301 Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспортини ва 16 ёшга тўлмаган шахслар учун фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш ҳужжатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 5 январдаги ПФ-4262-сон Фармони бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспортини ва 16 ёшга тўлмаган шахслар учун фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш ҳужжатини бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 30 декабрдаги 519-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлмаган фуқароси гувоҳномасини расмийлаштириш ва бериш тартиби тўғрисидаги низом 2015 йил 31 декабргача амал қилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Н. Арипов ва Э.М. Фаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 7 июль,  
200-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2011 йил 7 июлдаги 200-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик  
паспортини ва 16 ёшга тўлмаган шахслар учун  
фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш  
ҳужжатини бериш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги ПФ-4262-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низомга мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспортини (кейинги ўринларда паспорт деб аталади) бериш тартибини ва 16 ёшга тўлмаган шахслар учун фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжатини (кейинги ўринларда ҳаракатланиш ҳужжати деб аталади) бериш тартибини ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элга чиқиши учун ва 16 ёшга тўлмаган фуқаролиги бўлмаган шахсларга уларнинг чет элга чиқишида рухсатномани расмийлаштиришни тартибга солади.

2. 16 ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси (кейинги ўринларда фуқаро деб аталади), шунингдек 16 ёшга тўлмаган фуқаролиги бўлмаган шахслар (кейинги ўринларда фуқаролиги бўлмаган шахс деб аталади) чет элга чиққанда уларнинг ота-оналари, васийлари (ҳомийлари), муассасалар ва ташкилотлар вакиллари ушбу Низомнинг 15-бандида («б» кичик банд бундан мустасно) назарда тутилган ҳолларда фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий рўйхатдан ўтган жойидаги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Кириш ва чиқиш ҳамда фуқароликни расмийлаштириш бошқармасининг ҳудудий бўлималарига (кейинги ўринларда маълумотларни йиғиш пунктлари деб аталади) мурожаат қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг кириш учун кириш визаларини расмийлаштириш талаб қилинмайдиган МДХ мамлакатларига чиқишида чет элга чиқиш учун рухсатнома ёзуви стикерини расмийлаштириш талаб қилинмайди.

3. Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасаларида (кейинги ўринларда маълумотларни йиғиш пункти деб аталади) доимий ёки вақтинча консуллик ҳисобида турган фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар паспортни ёки ҳаракатланиш ҳужжатини расмийлаштириш учун ушбу Низомнинг 15-бандида («а» кичик банд бундан мустасно) назарда тутилган ҳолларда чет элдаги консуллик ҳисобида туриш жойидаги тегишли маълумотларни йиғиш пунктига мурожаат қиладилар.

Бунда вояга етмаган шахслар номидан уларнинг ота-оналари, васийла-

ри (ҳомийлари), муассасалар ва ташкилотлар вакиллари тегишли илтимосномалар билан муурожаат қиладилар.

4. Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасаларида доимий консуллик ҳисобида турган ва Ўзбекистон Республикасига вақтинча келаётган фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ушбу Низомнинг 15-бандида («б» кичик банд бундан мустасно) назарда тутилган ҳолларда, паспорт ҳамда ҳаракатланиш ҳужжатини олиш ва алмаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига муурожаат қиладилар.

Бунда вояга етмаган шахслар номидан уларнинг ота-оналари, васийлари (ҳомийлари), муассасалар ва ташкилотлар вакиллари тегишли илтимосномалар билан муурожаат қиладилар.

5. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида паспорт ва ҳаракатланиш ҳужжати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига (кейинги ўринларда ДПМ деб аталади) буюртманома жўнатилгандан кейин ўн иш куни мобайнида, чет элда — ўн беш иш куни мобайнида, белгиланган тартибда маълумотларни йиғиш пунктида берилади.

Паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати йўқотиб қўйилганда янги паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати йўқотиб қўйилганлик тўғрисида ариза берилган кундан бошлаб бир ой мобайнида берилади.

6. Паспорт ва ҳаракатланиш ҳужжати ушбу ҳужжатларни олиш ҳақида илтимоснома берган ота-оналарга, васийларга (ҳомийларга), муассасалар ва ташкилотлар вакилларига берилади.

7. Паспорт ва ҳаракатланиш ҳужжати қўйидаги амал қилиш муддати билан расмийлаштирилади:

туғилган пайтидан бошлаб бир ёшга тўлгунигача — икки йил муддатга; бир ёшдан ўн олти ёшга тўлгунигача — беш йил муддатга.

Бунда паспорт ва ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиш муддати фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг 16 ёшидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Истисно ҳолларда фуқаронинг паспорти, агар республикадан ташқарига чиқиш пайтида унинг ёши 15 ёшдан катта бўлса, ўн йил муддатга берилиши мумкин. Бунда ота-оналар, васийлар (ҳомийлар), муассасалар ва ташкилотлар вакиллари фуқаронинг бир йилдан ортиқ муддатга чиқиши ҳолатини (ўқиш, даволаниш, халқаро спорт мусобақаларида, маданий ва бошқа тадбирларда қатнашиш, доимий яшаш ва шу кабилар) тасдиқлайдиган тегишли ҳужжатларни тақдим этишлари керак.

16 ёшга тўлмаган шахснинг паспорти ёки ҳаракатланиш ҳужжати амал қилиш муддати тамом бўлгандан кейин бир ой муддатдан кечикмай маълумотларни йиғиш пунктига мажбурий тартибда топширилади.

8. Паспорт ва ҳаракатланиш ҳужжати фуқаронинг ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар ҳисобланади ҳамда жаҳоннинг исталган мамлакатига чиқиш учун ҳақиқийдир.

9. Паспорт ва ҳаракатланиш ҳужжати бланкалари қатъий ҳисоб бериладиган ҳужжатлар ҳисобланади.

Паспорт ва ҳаракатланиш ҳужжати бланкалари «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланади, ДПМда персоналлаштирилади ва йўқ қилинади, маълумотларни йиғиш пунктларида эгаларига берилади.

10. Паспорт ва ҳаракатланиш ҳужжати белгиланган намуна бўйича тайёрланади ҳамда ўзбек ва инглиз тилларида, Қорақалпоғистон Республикаси учун эса — қорақалпоқ, ўзбек ва инглиз тилларида персоналлаштирилади.

11. Паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати бланкасига қўйидаги асосий маълумотлар ёзилади:

- паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжатини берган давлатнинг номи;
- ҳужжатнинг номи;
- ҳужжатнинг тури;
- паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжатини берган давлатнинг коди;
- паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжатининг тартиб рақами;
- фамилияси, исми, отасининг исми;
- миллати;
- фукаролиги;
- туғилган санаси;
- туғилган жойи;
- жинси;
- берилган санаси;
- ким томонидан берилганлиги;
- персоналлаштирувчи орган;
- амал қилиш муддати тугайдиган сана;
- эгасининг рақамли сурати;
- эгаси ҳақидаги машина ўқийдиган маълумотлар.

12. Чипга қўйидаги маълумотлар ёзилади:

- паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати эгаси тўғрисидаги биографик маълумотлар;
- эгасининг рақамли сурати;
- қўл бармоқлари излари — 15 ёшга тўлгандан кейин.

13. Паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати:

- паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати эгасининг рўйхатдан ўтказилганлиги ва рўйхатдан чиқарилганлиги тўғрисидаги;
- хорижга чиқиш учун рухсатнома ёзуви тўғрисидаги (стикер);
- ҳамроҳлик қилаётган шахслар тўғрисидаги;
- Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтиш тўғрисидаги;
- консуллик ҳисобига олингани ёки консуллик ҳисобидан чиқарилгани тўғрисидаги;
- хорижий давлатларга кириш учун рухсатнома (виза) тўғрисидаги;
- илгари қўйилган қайдларни бекор қилиш тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

Ота-оналар, васийлар (ҳомийлар) розилиги билан паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжатида ҳужжат эгаси қони гуруҳи ва қайси резусга мансублиги тўғрисидаги маълумотлар қайд этилади.

14. Паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати:

паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати эгасининг рўйхатдан ўтказилганлиги ва рўйхатдан чиқарилганлиги тўғрисидаги, хорижга чиқиш учун рухсатнома ёзуви тўғрисидаги, ҳамроҳлик қилаётган шахслар тўғрисидаги, илгари қўйилган қайдларни бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни — ички ишлар органлари бўлинмалари;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтганлик ва илгари қўйилган қайдларни бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни — чегара назорати бўлинмалари;

ҳужжат эгасининг қон гуруҳи ва қайси резусга мансублиги тўғрисидаги маълумотларни — соғлиқни сақлаш муассасалари;

консуллик ҳисобига олингани ёки консуллик ҳисобидан чиқарилгани тўғрисидаги, чет элга чиқиш учун рухсатнома ёзуви, ҳамроҳлик қилаётган шахслар, илгари қўйилган қайдларни бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни — Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари;

хорижий давлатларга кириш учун рухсатнома (виза) тўғрисидаги маълумотларни — хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари киритадилар.

Паспортлар ёки ҳаракатланиш ҳужжатларига ушбу Низомда назарда тутилмаган ёзувлар ва қайдларни киритиш тақиқланади.

## **II. Паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжатини расмийлаштириш ва бериш тартиби**

15. Паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати қуйидаги ҳолларда расмийлаштирилади ва берилади:

а) Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетилаётганда;

б) бола чет элда туғилганда;

в) паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиш муддати тугаганда;

г) шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, миллати, туғилган санаси ўзгарганда;

д) ёзувларда ноаниқликлар ва хатолар мавжудлиги аниқланганда;

е) рўйхатдан ўтказиш (рўйхатдан чиқариш), алоҳида маълумотлар ёки визалар учун мўлжалланган саҳифалари ишлатиб бўлинганда;

ж) паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати бланкаси яроқсиз бўлиб қолганда;

з) паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати йўқотиб қўйилганда.

Фамилияси, исми, отасининг исми, миллати, туғилган санаси ўзгарганлиги ёки ёзувларда ноаниқликлар мавжудлиги аниқланганлиги муносабати билан паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати алмаштирилган ҳолларда маълумотларни йиғиш пунктига ушбу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади.

16. Паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжатини олиш учун маълумотларни йиғиш пунктига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжатини бериш учун белгиланган шаклдаги ариза;

б) ушбу муассаса ёки ташкилот орқали чет элга чиқилган тақдирда муассаса ёки ташкилотнинг белгиланган намунадаги буюртманомаси;

в) туғилганлик ҳақида гувоҳнома;

г) 35 x 45 мм ўлчамли фотосурат;

д) паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати йўқотилган ёки ўғирланган ҳолларда фуқаро ва фуқаролиги бўлмаган шахс қонуний вакилларининг ёзма аризаси;

е) паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати йўқолганлиги тўғрисида маълумотнома (чет элда йўқолганда);

ж) давлат божи ёки консуллик йиғимлари ва бошқа йиғимлар тўланганлиги ҳақида қвитанция.

17. Такдим этилган ҳужжатлар асосида маълумотларни йиғиш пункти фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг таржимаи ҳолига оид маълумотларни тўплайди, электрон шаклдаги қўл бармоқ изларини олади (15 ёшдан катта шахслар учун), шахсни олд томонидан рақамли форматда суратга олади ва паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжатини расмийлаштириш учун буюртманома тузиб, сўнгра ДПМга жўнатади.

18. Агар шахс (15 ёшдан катта шахслар учун) қўл бармоқ излари олинишидан бош тортса ва кўзойнакда ёки бош кийимда суратга тушиш истадиган қайтмаса, маълумотларни йиғиш пункти унга паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати расмийлаштиришни рад этиш ҳуқуқига эга.

19. Маълумотларни йиғиш пункти янги паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати бериш чоғида илгари берилган паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжатини олиб қўяди ва уни йўқ қилиш учун ДПМга жўнатади.

20. Тайёр паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжатини ДПМ кейинчалик дипломатик каналлар бўйича чет элдаги маълумотларни йиғиш пунктига бериш учун Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Давлат фельдъегерлик хизмати орқали паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжатини расмийлаштириш учун буюртманома жўнатган маълумотларни йиғиш пунктига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига беради.

21. Паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжатини расмийлаштириш жараёнида боланинг миллати ота-оналарнинг миллати бўйича аниқланади, агар ота-оналар турли миллатларга мансуб бўлсалар, паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжатини беришда фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг миллати паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжатини олувчининг хоҳишига кўра отаси ёки онасининг миллати бўйича ёзилади.

22. Фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ва уларнинг қонуний вакиллари паспорт ва ҳаракатланиш ҳужжатини эҳтиётлаб сақлаши керак.

Паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати йўқотиб қўйилган тақдирда фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бу ҳақда доимий рўйхатдан ўтган жойдаги маълумотларни йиғиш пунктига ёки консуллик ҳисобига қўйилган жойга дарҳол хабар бериши шарт, улар қонун ҳужжатларида назарда тутилган

тартиб-қоидалар бажарилгандан кейин, ушбу Низомда назарда тутилган тартибда уларга янги паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжатини беради.

23. Вақтинча чет элда бўлган ва консуллик ҳисобида турмаган фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ушбу Низомнинг 15-бандида назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикасига қайтишга сертификат олиш учун Ўзбекистон Республикасининг тегишли консуллик муассасасига мурожаат қиладилар.

Вақтинчалик консуллик ҳисобига олиш ўқиш, даволаниш, халқаро спорт мусобақаларида, маданий ва бошқа тадбирларда қатнашиш учун хорижга чиқиб кетган ва хорижга вақтинча чиқишни белгиланган тартибда расмийлаштирган вояга етмаган шахсларга расмийлаштирилади.

Вақтинчалик консуллик ҳисобига олиш, агар шахс мамлакатда очиқчасига турган бўлса ва агар у мазкур мамлакатга олти ойдан ортиқ муддатга келган бўлса расмийлаштирилади.

24. Вафот этган фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг پاسпорти ёки ҳаракатланиш ҳужжати йўқ қилиш учун кейинчалик ДПМга топшириш учун маълумотларни йиғиш пунктига топширилади.

25. Топилган паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати ички ишлар органига ёхуд Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасасига топширилиши керак.

26. Паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжатини олиб қўйиш, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, шунингдек гаровга топшириш ва бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

27. Ушбу Низомни амалга ошириш учун зарур бўлган муҳрлар, штамплар ва бланкалар намуналари тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

28. Паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжатини берганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади. Тўлиқ давлат қарамоғида бўлган шахслар давлат божи тўлашдан озод қилинади.

### **III. Хорижга чиқиш учун рухсатномани расмийлаштириш тартиби**

29. Хорижга вақтинча чиқишга стикерни расмийлаштириш учун маълумотларни йиғиш пунктига қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

- а) белгиланган шаклдаги ариза-анкета;
- б) ушбу муассаса ёки ташкилот орқали чиқилган тақдирда муассаса ёки ташкилотнинг белгиланган намунадаги буюртманомаси;
- в) паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати;
- г) туғилганлик ҳақида гувоҳнома;
- д) 35 x 45 мм ўлчамли тўртта фотосурат;
- е) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бирга яшайдиган ота-оналар, ва-

сийлар (ҳомийлар)нинг фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг хорижга чиқишига нотариал тасдиқланган розилиги;

ж) фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга ҳамроҳлик қилаётган шахснинг нотариал тасдиқланган мажбурияти;

з) давлат божи ёки консуллик йиғимлари ва бошқа йиғимлар тўланганлиги тўғрисида қвитанция.

Фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ота-оналардан бири билан хорижга вақтинча чиқаётганда ота-оналардан иккинчисининг розилиги талаб қилинмайди.

30. Доимий яшаш мақсадида чет элга чиқиш учун стикерни расмийлаштиришда маълумотларни йиғиш пунктига қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

а) ушбу Низомнинг 29-бандида назарда тутилган ҳужжатлар;

б) 15 ёшдан 18 ёшгача бўлган чет элга чиқиб кетаётган фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг нотариал тасдиқланган розилиги;

в) ота-оналардан бири вафот этган тақдирда — унинг вафоти тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси.

Фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ота-оналари билан биргаликда доимий яшаш учун хорижга чиқиб кетаётганда 29-банднинг «е» кичик бандида назарда тутилган розилик талаб қилинмайди.

31. 15 ёшдан 18 ёшгача бўлган фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ота-оналари, васийлари (ҳомийлари)нинг вояга етмаган шахснинг мустақил равишда чет элга чиқиши учун нотариал тасдиқланган розилиги мавжуд бўлган тақдирда хорижга ҳамроҳларсиз чиқишлари мумкин.

32. Фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг хорижга вақтинча чиқишига рухсатномани расмийлаштириш тўғрисидаги мурожаати қондирилганда унинг паспорти ёки ҳаракатланиш ҳужжатиغا икки йил муддатга амал қиладиган стикер ёпиштирилади. Стикернинг амал қилиш муддати тугагач паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжатиغا ушбу Низомда назарда тутилган тартибда амал қилиш муддати икки йил бўлган янги стикер ёпиштирилади. Бунда стикернинг амал қилиш муддати тегишли паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиш муддатидан ортиқ бўлмаслиги керак.

33. Доимий яшаш учун хорижга чиқиб кетаётган фуқаронинг паспортига ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжатиغا амал қилиш муддати ноаниқ бўлган тегишли стикер ёпиштирилади, бироқ бунда стикер берилган сана мажбурий тартибда кўрсатилади.

#### **IV. Ушбу Низом бузилганлиги учун жавобгарлик**

34. Қонун ҳужжатларида қуйидагилар учун жавобгарлик белгиланади: паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиш муддати тамом бўлгандан кейин уларни ўз вақтида топширмаслик;

паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати атайлаб яроқсизлантириш, шунингдек паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати йўқолишига сабаб бўлган — уларни эҳтиёт қилиб сақламаслик;

16 ёшга тўлмаган шахсларнинг паспорти ёки ҳаракатланиш ҳужжати-дан гаразли мақсадларда фойдаланиш, сўнгра уларни йўқотиб қўйганлик тўғрисида ариза бериш, шунингдек бошқа шахсларга тегишли бўлган паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжатидан фойдаланиш;

фуқародан ва фуқаролиги бўлмаган шахсдан паспорт ва ҳаракатланиш ҳужжатини ноқонуний олиб қўйиш ёки уларни гаров сифатида қабул қилиш;

16 ёшга тўлмаган шахсларнинг паспорти ёки ҳаракатланиш ҳужжатини гаразли ёки бошқа тубан мақсадларда эгаллаб олиш, худди шунингдек уларни йўқ қилиш, яроқсизлантириш, яшириш.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2011 йил 7 июлдаги 200-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришлари тартибини ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1995 йил 6 январдаги 8-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 1-сон, 1-модда):

1) 2-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши тартиби 1-иловага мувофиқ»;

2) 1-иловада:

илованинг номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

#### **«Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ТАРТИБИ»;**

I бўлим матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган чеклашлардан ташқари, чет элга эркин чиқиш ва ушбу Низомда назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикасига келиш ҳуқуқига эгадирлар.

2. Ушбу Тартиб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий мамлакатларга чиқишларига татбиқ этилади, кириш учун кириш визалари расмийлаштирилиши талаб қилинмайдиган МДХ мамлакатлари бундан мустасно.

3. Чет элга вақтинча чиқаётганда фуқароларга чет элга бориш учун 2 йил мобайнида амал қиладиган рухсатнома ёзуви стикери (кейинги ўринларда стикер деб юритилади) расмийлаштирилади. Фуқаролар кўрсатилган муддат мобайнида бир неча марта чет элга чиқиши мумкин. Стикернинг амал қилиш муддати паспортнинг амал қилиш муддатидан ошмаслиги керак.

Доимий яшаш учун чет элга чиқишда фуқароларга амал қилиш муддатисиз стикер расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг чет элга чиқиши Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилади. Ҳарбий хизматчиларга стикер ҳарбий қисм (муассаса) жойлашган жой бўйича расмийлаштирилади.

4. Дипломатик паспортлар бўйича чет элга чиқиш Ўзбекистон Республикасининг Дипломатик паспорти тўғрисидаги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан расмийлаштирилади.

5. Ходимни хорижий хизмат сафарига юбориш тўғрисида тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги юзасидан жавобгарлик, мулкчилик шаклларида қатъи назар, хизмат сафарига юбориш ҳақида қарор қабул қилган ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари зиммасига юкланади.

6. Чет элга чиқиш учун рухсатнома ёзуви стикери фуқароларнинг доимий рўйхатда турган жойлари (ҳарбий хизматчилар учун — ҳарбий қисм (муассаса) жойлашган жой) бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг Кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси, шунингдек Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг туман бўлинмалари (кейинги ўринларда КЧФР бўлинмалари деб юритилади) томонидан, шунингдек ушбу Тартибда назарда тутилган ҳолларда чет элдаги Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасалари томонидан кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари билан келишган ҳолда расмийлаштирилади»;

II бўлимнинг матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Чет элга бормоқчи бўлган фуқаролар паспортини, белгиланган намунадаги анкета-аризани, давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги қвитанцияни, 35 x 45 мм ўлчамли 4 та фотосуратни, ҳарбий гувоҳномани (ҳарбий гувоҳнома мавжуд бўлмаган тақдирда чақирув ёшидаги шахслар учун мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг белгиланган намунадаги маълумотномасини) тақдим этган ҳолда доимий рўйхатда турган жойдаги кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларига (ҳарбий хизматчилар учун ҳарбий қисм (муассаса) жойлашган жой бўйича) мурожаат қиладилар.

2. Кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари фуқаронинг мурожаатини 15 иш куни мобайнида кўриб чиқади ва чет элга чиқиш ҳуқуқига чекловлар учун асос бўлмаган тақдирда унинг паспортига стикер ёпиштиради.

Зарур тарзда расмийлаштирилган ҳужжатлар кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларига берилган кун мурожаат қилинган сана деб ҳисобланади.

Амал қиладиган стикер ҳақиқий бўлмаган паспортдан янги паспортга кўчирилган ҳолларда, ушбу стикерни расмийлаштириш муддати 7 иш кунидан ошмаслиги керак.

Чет элга хизмат сафарига бораётган фуқароларга, улар ишлайдиган

ташкilotларнинг мулкчилик шаклларида қатъи назар, чет элга чиқиш ҳуқуқини чеклашлар учун асос бўлмаган тақдирда, стикерни расмийлаштириш учун ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати 10 иш кунидан ошмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқишни талаб қиладиган шошинч даволаниш заруриятини, оғир касаллик ҳолатларини ёки яқин қариндоши вафот этганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда фуқарога ва унга ҳамроҳлик қилувчи шахсларга стикерни расмийлаштириш муддати, чет элга чиқиш ҳуқуқини чеклаш учун асос бўлмаган тақдирда, 5 иш кунидан ошмаслиги керак.

Чет элда доимий яшаш учун чиқиш ҳужжатларини расмийлаштиришда фуқароларнинг доимий рўйхатда турган жойларидаги кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари аризачиларнинг мурожаатини 15 иш кун ичи мобайнида кўриб чиқади ва фуқаронинг чет элга чиқишига тўсқинлик қилувчи ҳолатлар бўлмаган тақдирда, унинг паспортига доимий яшаш учун стикерни ёпиштиради. Қўшимча текширишлар ўтказиш зарур бўлганда ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати 30 кунгача узайтирилиши мумкин.

Доимий яшаш учун чет элга чиқишда фуқаролар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган ўз ота-онасининг ва турмуш ўртоғининг (биргаликда чиқиш ҳолатлари бундан мустасно), шунингдек агар биргаликдаги никоҳдан болалар бўлса, Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган собиқ турмуш ўртоғининг нотариал тасдиқланган розилигини, улар вафот этган ёки бедарак йўқолган ҳолларда эса — вафот этганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг ёки суднинг шахсни бедарак йўқолган деб эътироф этиш ҳақидаги қарорининг нотариал тасдиқланган нусхасини кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларига тақдим этадилар.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хорижий давлат ҳудудига кириш визасини олиш учун тегишли хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналарига ёки консуллик муассасаларига мурожаат қиладилар.

3. Хусусий контрактлар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун чет элга чиқишни расмийлаштириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

4. Чет элга кетаётган ва давлат сири бўлган маълумотлардан хабардор бўлган шахсга нисбатан кетаётган шахснинг иш жойи бўйича ташкilotи тегишли органларга давлат сири бўлган маълумотлардан хабардорлик даражаси тўғрисидаги хулосани юборади.

5. Чет элга вақтинча яшашга кетган (хизмат сафарига, ўқишга, контракт бўйича ишлашга ва шу кабилар) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари муайян ёшга тўлганлиги ҳамда паспортда белгилар ва визалар қўйиш учун варақлар тугаганлиги, шунингдек чет элга бориш учун стикерни расмийлаштириш муносабати билан паспорт алмаштирилган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасаларига паспорт бериш ва чет элга чиқиш учун стикерни расмийлаштириш тўғрисида белгиланган шаклдаги ариза билан мурожаат қиладилар. Фуқароларнинг аризалари белгиланган тартибда консуллик муассасалари томонидан расмийлаштирилади ҳамда

паспорт ва стикерни расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали Ички ишлар вазирлигига жўнатилади. Расмийлаштирилган паспорт эгасига бериш учун Ташқи ишлар вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикасининг тегишли консуллик муассасасига юборилади. Паспортни расмийлаштиришнинг тўлиқ даврий муддати 30 иш кунидан ошмаслиги керак.

6. Вақтинча яшаш учун чет элга кетган, у ерга ошкора келган ва чет элда доимий яшашга қарор қилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари доимий яшашга рухсатномани расмийлаштириш учун белгиланган шаклдаги ҳужжатлар билан Ўзбекистон Республикасининг тегишли консуллик муассасасига мурожаат қиладилар.

Консуллик муассасаси фуқароларнинг чет элда доимий яшаш учун қолдириш бўйича ҳужжатларини расмийлаштиради ва масалани белгиланган тартибда келишиш учун ҳужжатларни Ташқи ишлар вазирлиги орқали Ички ишлар вазирлигига юборади;

III бўлимда:

русча матнда биринчи хатбошидаги «ограничения» сўзидан кейин «в праве» сўзлари қўшилмоқда;

русча матнда иккинчи хатбошидаги «государственную тайну» сўзлари «государственные секреты» сўзлари билан алмаштирилмоқда;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«б) агар шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса — иш бўйича якуний қарор қабул қилингунга қадар»;

тўртинчи хатбошидаги «милициянинг» сўзи «ички ишлар органларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«г) агар шахсда суд томонидан юкланган ижро этилмаган мажбуриятлар бўлса — мажбуриятлар ижро этилгунга қадар»;

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ж) агар шахс чақириқ участкасида рўйхатга олинган ва ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилиши керак бўлса — ҳақиқий муддатли хизматни ёки сафарбарлик чақируви захирасидаги хизматни ўтагунга қадар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ундан озод қилингунга қадар»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«з) агар шахсга нисбатан Ички ишлар вазирлигида ёки Ташқи ишлар вазирлигида ваколатли органларнинг ушбу шахснинг чет элда бўлган вақтда келган мамлакати қонунларини бузганлиги (қонун бузилишлари рўйхати тегишли органлар томонидан белгиланади) тўғрисидаги ахбороти, шунингдек бориши мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатадиган ахбороти мавжуд бўлса — ахборот ҳисобга олинган кундан бошлаб икки йил ўтгунга қадар.

Чет элга чиқиш ҳуқуқини чеклаш учун асослар рўйхатига кенгайтирилган изоҳ берилмайди»;

IV бўлимдаги «III бўлимнинг «б» ва «ж» кичик бандларида кўрсатил-

ган» сўзлари «III бўлимнинг «а», «б», «ж» ва «з» кичик бандларида кўрсатилган» сўзлари билан алмаштирилсин;

куйдаги мазмундаги V бўлим қўшилсин:

#### **«V. Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасига келиши**

1. Чет элда вақтинча ёки доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг амалдаги паспорти ёки Ўзбекистон Республикасига қайтиб келишга сертификат мавжуд бўлганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига эркин кириш ҳуқуқига эгадир.

2. Паспортнинг амал қилиш муддати чет элда тугаган, у яроксизланган ёки йўқолган ҳолларда, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда (фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси ўзгарган, ёзувларда ноаниқликлар ва хатолар аниқланган, варақлар ишлатиб бўлинган ва бошқа ҳолларда) чет элда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқароси янги паспортни расмийлаштириш учун ўзи турган мамлакатдаги Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасасига мурожаат қилади.

Агар фуқаро турган мамлакатда Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси бўлмаса, фуқаро ўзи турган мамлакат консуллик округига қирадиган Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасасига мурожаат қилади.

3. Чет элда вақтинча турган ва ўзи турган мамлакатдаги Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасасида консуллик ҳисобида турмаган фуқаро, ушбу бўлимнинг 2-бандида кўрсатилган ҳолларда, Ўзбекистон Республикасига қайтишга сертификат олиш учун Ўзбекистон Республикасининг тегишли консуллик муассасасига мурожаат қилади.

4. Чет элда доимий яшайдиган ва Ўзбекистон Республикасига вақтинча келган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига Ўзбекистон Республикасида бўлган вақтда паспортнинг амал қилиш муддати тугаган ёки у йўқолган ҳолларда, шунингдек мазкур бўлимнинг 2-бандида кўрсатилган бошқа ҳолларда паспорт бериш ёки алмаштириш ҳамда рухсатнома ёзуви стикерини расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

5. Чет элда доимий яшайдиган ва Ўзбекистон Республикасига доимий яшаш учун қайтишни ният қилган фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасасидаги консуллик ҳисобидан чиқишлари лозим. Фуқаролар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган тақдирда, улар консуллик ҳисобидан чиқариш учун Ташқи ишлар вазирлигига мурожаат қиладилар».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари ва бу ерда бўлишлари ва уларнинг транзит ўтишлари тартиби тўғрисида» 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарорида:

1) 1-иловада (Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартиби):

2-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«2. Хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасига кириш визалари, шу жумладан транзит кириш визалари:

а) Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасалари томонидан, бундай консуллик муассасалари мавжуд бўлмаган тақдирда эса — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг икки томонлама битими мавжуд бўлган бошқа давлатларнинг консуллик муассасалари томонидан берилади.

Бош консулликлар, консулликлар, вице-консулликлар, консуллик агентликлари ва элчихоналарнинг консуллик бўлимлари Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги консуллик муассасалари ҳисобланади;

б) халқаро аэропорт мақомига эга бўлган Ўзбекистон аэропортларидаги Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг бўлинмалари томонидан берилади.

Аэропортларда Ташқи ишлар вазирлигининг консуллик муассасалари ва бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикасига кириш визалари хорижий фуқароларнинг барча тоифаларига берилади.

Кириш визалари, қоидага кўра, бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади»;

3-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги бўлинмалари визаларнинг амал қилиш муддатини узайтиришни хорижий фуқароларнинг қуйидаги тоифалари учун амалга оширади»;

«г» кичик банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«г) ушбу банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган хорижий фуқароларнинг таклифи бўйича келганларга, бироқ кўпи билан 2 марта келганларга.

Визанинг узайтирилиши республика ҳудудида расмий бўлишга рухсатноманинг узайтирилишини англатади. Амалий жиҳатдан визани узайтириш амал қилиш муддати янгиланган янги виза бериш йўли билан амалга оширилади, хорижий фуқаро аккредитация қилинган тақдирда эса визанинг тури ҳам ўзгартирилади»;

4-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«4. Кўп марта фойдаланиладиган визалар ушбу Тартибнинг 3-банди «а» кичик бандида кўрсатилган хорижий фуқароларга улар аккредитация қилинган муддатга, ушбу Тартибнинг 3-банди «б», «в» ва «г» кичик бандларида кўрсатилган фуқароларга бир йилгача муддатга берилади»;

10, 11 ва 13-бандларнинг биринчи хатбошиларидаги «икки нусхада» сўзлари чиқариб ташлансин;

12-банднинг биринчи хатбошидаги «икки нусхада» сўзлари чиқариб ташлансин, «ваучер» сўзи эса «таклифнома» сўзи билан алмаштирилсин;

15-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«15. Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган, чет элга бормоқчи бўлган фуқаролиги бўлмаган шахс яшаш учун ҳужжатни, белгиланган намунадаги анкета-аризани, давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги қвитанцияни ва 35 x 45 мм ўлчамли 4 та фотосуратни тақдим этган ҳолда, доимий рўйхатда турган жойдаги кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмасига мурожаат қилади.

Чет элга вақтинча чиқишда фуқаролиги бўлмаган шахсга чет элга чиқиш учун 2 йил мобайнида амал қиладиган рухсатнома ёзуви стикери (кейинги ўринларда стикер деб аталади) расмийлаштирилади. Кўрсатилган муддат мобайнида фуқаролиги бўлмаган шахс бир неча марта чет элга чиқиши мумкин. Стикернинг амал қилиш муддати фуқаролиги бўлмаган шахснинг гувоҳномаси ёки ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиш муддатидан ошмаслиги керак.

Доимий яшаш учун чет элга чиқишда фуқаролиги бўлмаган шахсга амал қилиш муддатисиз стикер расмийлаштирилади»;

16-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«16. Кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари фуқаролиги бўлмаган шахснинг мурожаатини 15 иш куни мобайнида кўриб чиқади ва чет элга чиқиш ҳуқуқига чекловлар учун асос бўлмаган тақдирда фуқаролиги бўлмаган шахснинг гувоҳномасини расмийлаштиради ҳамда гувоҳномага ёки ҳаракатланиш ҳужжатига стикерни ёпиштиради.

Ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати 30 иш кунигача узайтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахс чет элдан қайтганидан кейин уч иш куни мобайнида гувоҳнома ёки ҳаракатланиш ҳужжатини топшириш ва ўрнига Ўзбекистон Республикасида яшашга рухсатнома олиш учун кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмасига мурожаат қилишлари керак.

Амал қиладиган стикер фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳақиқий бўлмаган гувоҳномасидан ёки ҳаракатланиш ҳужжатидан янги гувоҳнома ёки ҳаракатланиш ҳужжатига кўчирилган ҳолларда, ушбу стикерни расмийлаштириш муддати 7 иш кунидан ошмаслиги керак.

Чет элга хизмат сафарига бораётган фуқаролиги бўлмаган шахсларга, улар ишлайдиган ташкилотларнинг мулкчилик шаклларида қатъи назар, чет элга чиқиш ҳуқуқини чеклашлар учун асос бўлмаган тақдирда, стикерни расмийлаштириш учун ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати 10 иш кунидан ошмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқишни талаб қиладиган шошилиш даволаниш заруриятини, оғир касаллик ҳолатларини ёки яқин қариндоши вафот этганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда фуқаролиги бўлмаган шахсга ва унга ҳамроҳлик қилувчи шахсларга стикерни расмийлаштириш муддати, чет элга чиқиш ҳуқуқини чеклаш учун асос бўлмаган тақдирда, 5 иш кунидан ошмаслиги керак.

Доимий яшаш учун чет элга чиқишда фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбе-

кистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган ўз ота-онасининг ва турмуш ўртоғининг (биргаликда чиқиш ҳолатлари бундан мустасно), шунингдек агар биргаликдаги никоҳдан болалар бўлса, Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган собиқ турмуш ўртоғининг нотариал тасдиқланган розилигини, шунингдек улар вафот этган ёки бедарак йўқолган ҳолларда, вафот этганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг ёки суднинг шахсни бедарак йўқолган деб эътироф этиш ҳақидаги қарорининг нотариал тасдиқланган нусхасини кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмасига тақдим этади»;

17-банддаги «хорижий фуқаролар» сўзлари «фуқаролиги бўлмаган шахслар» сўзлари билан алмаштирилсин;

18-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш учун гувоҳномаси ва доимий рўйхатдан ўтказилганлиги:

хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикасидан ташқарига вақтинча чиққанда, агар улар уч йилдан ортиқ вақт мобайнида узрли сабабларсиз Ўзбекистондаги доимий яшаш жойига қайтмаса;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан вақтинча ташқарига чиққан фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиш муддати тамом бўлгач, агар улар ҳаракатланиш ҳужжатини алмаштирмаса ёхуд узрли сабабларсиз уни алмаштиришни рад этса;

бекор қилиш тўғрисида шахсан мурожаат қилса ёхуд нотариал тасдиқланган ишончнома бўйича бошқа шахс мурожаат қилса ёки чет элдаги тегишли органларнинг сўрови бўйича бекор қилинади».

2) 2-иловада (Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари қоидалари):

15-бандга қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«Вақтинча рўйхатдан ўтказиш учун хорижий фуқаролар ўзи турган жойдаги ички ишлар органларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: белгиланган шаклдаги илтимоснома;

қабул қилувчи ташкилотнинг белгиланган шаклдаги илтимосномаси;

миллий паспорт ёки фуқаролиги бўлмаган шахс учун ҳужжат;

уй-жой эгасининг вақтинча рўйхатдан ўтказишга ёзма розилиги ва уй-жойга бўлган ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар;

давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги қвитанция.

Хорижий фуқаролар вақтинча рўйхатдан ўтказиш муддатини узайтириш учун ички ишлар органларига вақтинча рўйхатдан ўтказиш муддати тамом бўлишигача уч иш кунидан кечикмай мурожаат қилишлари керак»;

32-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«32. Хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб фақат хорижий фуқаролар боришига рухсат берилган жойларда ҳаракат қилишлари шарт.

Хорижий фуқаролар вақтинча бўлиш жойига келишгач Ўзбекистон Рес-

публикаси ички ишлар органларида вақтинча рўйхатдан ўтишлари ёки меҳмонхоналарда ҳисобга туришлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган ва яшаш рухсатномасига эга бўлган хорижий фуқаролар учун вақтинча рўйхатдан ўтказиш муайян яшаш жойида бўлган давр учун амалга оширилади. Уч кундан олти ойгача бўлган даврда вақтинча рўйхатдан ўтказиш шахсни доимий яшаш жойидан рўйхатдан чиқармасдан амалга оширилади. 6 ойдан ортиқ муддатга вақтинча рўйхатдан ўтказиш, хизмат сафарига, таътилга, дам олиш ёки даволанишга бораётган шахслардан ташқари, шахсни доимий яшаш жойидан рўйхатдан чиқарган ҳолда амалга оширилади».